




So, above mentioned graphic organizers help students focus on what is important because they highlight key concepts and vocabulary, and the relationships among them, thus providing the tools for critical and creative thinking. Graphic organizers are visual depictions that resemble networks and allow students to add or modify their background knowledge by seeing the connections and contradictions between existing knowledge and new information. Thus, teaching our students to use graphic organizers such as brainstorming webs, Venn diagrams, concept maps and charts help them better comprehend the texts, can promote teachers' instruction and students' active learning. These are visual tools that help EFL students understand and organize information, also develop higher-level thinking skills and promote creativity.

Literature

1. Karimov I.A. "On measures to further improve foreign language learning system" PD №1875 from December 10, 2012. – Tashkent: 2012.
2. Griffin C.C., & Tulbert B.L. The effect of graphic organizers on students' comprehension and recall of expository texts. Reading and Writing Quarterly (11), 1995. 73-89-p.
3. Robinson D. H. Graphic organizers as aids to text learning. Reading Research and Instruction (37), 1998. 85-105-p.

РЕЗЮМЕ

Бу мақола инглиз тили лексикасини ўргатишда график органайзерларнинг натижаллиги ҳақида. График органайзерлар маълумотларни тўплашда, эсда сақлашда, ўрганишда, таҳлил қилишда ва қўллашда ёрдам беради.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается одна из актуальных проблем – эффективное использование графических органайзеров в обучении английской лексики. Графические органайзеры помогают организовать информацию на листе бумаги (или экране компьютера), чтобы улучшить её запоминание, усвоение, анализ и применение.

SUMMARY

The article is devoted to the investigation of the effectiveness of graphic organizers in teaching English vocabulary. Graphic organizers help in organizing information, on a list of paper (or on the screen of a computer) to improve remembering, learning, analyzing and using.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ МУСИҚА САНЪАТИНИ ЎРГАТИШ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИ ТАКОММИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

И.Ж.Моянов – катта илмий ходим-изланувчи

Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Таянч сўзлар: куй, кўшиқ, маданият, санъат, мусикий идрок, мусика маданияти, бадий асар.

Ключевые слова: музыка, песня, культура, искусство, музыкальное мышление, музыкальная культура, художественное произведение.

Key words: music, song, culture, art, musical intellection, musical culture, literary-artistic work.

Бугунги куннинг тадқиқотчилари, педагог олимлари, тажрибали ўқитувчи ва мураббийларнинг кўп йиллик кузатувлари илмий изланишлари ва амалий машғулотлари жараёни мусиқа фани ўқитувчисининг ўқув тарбия ишлари бўйича эришадиган ютуғи ва камчиликлари, энг аввало, ўтказилаётган дарс ёки тадбирнинг ўқувчилар онгига, хиссиётига қай даражада синганлиги ва уларда ҳосил бўлаётган билим, кўникма ва малакаларнинг ўсиш даражасини аниқ белгилаб олиши ниҳоятда муҳим эканлигини кўрсатади [4].

Бундай аниқликларга эришишда, берилаётган билим ёки тавсияларнинг ўқувчиларга қай даражада таъсир ўтказишини билиб бориш учун ўқитувчининг ўз режаларини қай тарзда амалга оширишини олдиндан белгилаб олишга имкон беради.

Мусиқа маданияти дарсларида ўқувчиларнинг мусиқа воситасида, хусусан, қорақалпоқ халқ кўшиқлари орқали маънавий-ахлоқий қадриятларининг ривожланганлик даражаси, ўрганиладиган кўшиқлар ёки тингланадиган асарлар дастурининг кўлами ёки дарс мавзуларининг хилма-хиллиги билан эмас, балки тарбияланганлик даражасини кўрсатувчи бошқа бир қанча муҳим омиллар орқали аниқланади:

Биринчидан; ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий қадриятларни ривожланганлик даражасини кўрсатувчи асосий ва ишончли белгилар уларнинг фольклор асарлари ҳақида эга бўлган тушунчалари (асарнинг шеърий ва мусикий матнини билиш), асарда берилган

фикрларни баён қилиб бера олиши, унинг тарихий пайдо бўлиш сабаблари ва у билан боғлиқ бўлган халқ анъаналари, урф-одатларини билиш, унинг куйланиш ёки ижро этиш тартибини билиш, мазмунини таҳлил қилиб маънавий-ахлоқий қадриятларни билиши ва тўғри хулосаларни келтириб чиқара олиши ҳисобланади.

Иккинчидан; ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини билиши уларнинг яхши баҳоларда ўқиши ёки халқ кўшиқларини яхши куйлаб беришлари билангина баҳолаб бўлмайди. Чунки қорақалпоқ халқ қадриятлари ҳақида, урф-одатлари ва анъаналари ҳақидаги тушунчага эга бўлган, унга мос кўшиқларни куйлаб бера оладиган айрим ўқувчилар мактаб ҳаётида бўладиган жамоат ишларида, ўтказиладиган турли тадбирларда фаол қатнашмаслиги қорақалпоқ халқ кўшиқлардан келиб чиқадиган мантикий хулосаларни ўз ҳаётида қўллай олмасликлари ҳам мумкин.

Учинчидан; ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий сифатларининг қай даражада мукамаллиги илмий жиҳатдан ҳолисона асосланган диагностик «кесимлар» орқали аниқланади. Бундай кесимлар, яъни ўқув йилининг маълум бир қисмида ўтказиладиган мантикий текширувлар ўз ичига ўқувчининг маънавий-ахлоқий қадриятларини билиш жараёнини очиб берувчи муҳим параметрларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозим. Бунга ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий қадриятлар ҳақидаги тушунчаси, ҳатти-ҳаракатлари

мотиви (нима мақсадни кўзлаб қилинаётгани), ҳаракатнинг жамият учун келтирадиган фойдали томони, унинг ўқувчи-шахсини баркамол қилишдаги роли ва бошқалар қиради.

Тўртинчидан; ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини аниқлаш масаласининг мураккаблиги шундаки, мавзу юзасидан ёзилган илмий ишларнинг аксарият кўпчилигида фақат маънавий-ахлоқий тарбия ҳақида фикр юритилган.

Маънавий ва ахлоқий тарбиянинг узвий алоқадорлиги ҳақида маълумотлар чоп этилган, лекин илмий ишларда ушбу масала аниқ етарлича очиб берилмаган. Жумладан, бу соҳада ишлар олиб борган россиялик олимлар Б.Асафьев, И.Каиров, О.Багданова, И.Марьенко, Н.Манахов, В.Шахненко, ўзбек олимлари Ф.Жўраев, Д.Амануллаев, С.Аннамуратова, С.Файзулина, Қ.Мамиров, Ф.Халилов, Д.Каримова ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ахлоқий тарбияланганликнинг асосий параметрлари нимадан иборат бўлиши ҳақида етарлича далиллар келтирилган бўлсада, юқоридаги илмий изланишлар натижалари шуни кўрсатадики, қорақалпоқ халқ фольклори ҳақида маълумотлар берилмаган [3].

Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий кадриятларни билиш камолотини белгилашда барча фан бўйича дастуриамал вазифасини ижро этувчи «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Қадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» каби ҳужжатларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ёшларнинг маънавий тарбияси ҳақидаги билдирган фикрларига таянган ҳолда ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясининг параметрлари ва даражасини ўргатиш асосида уни юзага келтирувчи асосий омилларни аниқлашга ҳаракат қилдик ва уларнинг мукамаллик даражаси ҳақида фикр билдирдик [1].

Бунда асосан ўқувчиларнинг қорақалпоқ халқ

қўшиқларини ўрганиш жараёнидагини уларнинг маънавий-ахлоқий кадриятларини ривожланиши ҳақида баён қилинган бўлсада, шунингдек, ўқувчилар шахсининг маънавий-ахлоқий кадриятларни ривожлантиришда баркамол инсон сифатидаги қиёфасининг етилиб бориши ҳақида ҳам фикр юритишга ҳаракат қилдик.

Бироқ, шу кунгача илмий-назарий адабиётларда; бошқа тушунчалар ва қарашлар ҳам мавжудки, у туфайли умумий мусиқий таълимда ўзоқ йиллар давомида мусикани ўқитиш мактаб фани сифатида ўқитиш деб таъкидлаб келинди. Бунинг моҳияти бу мактаб фани яъни у бошқа мактаб фанлари каби умум дидактик принциплар асосида ўқитилиши керак [2]. Тўғри, мусика мактаб фанлари тизимида, ўз хусусиятига эга. У табиий илмий фан эмас, балки санъатдир, яъни эстетик циклга эга мактаб фанидир. Бизга маълумки, ҳозирги даврда мактабда мусикани бундай тушунча асосида дарс олиб борилмаган ва ўқув тарбиявий жараёнининг асосий эффекти кўрсаткичи, ўқувчилар томонидан аниқ билим кўникмалар комплексини муваффақиятли эгаллаши билан белгиланади. Бундай ёндашишда мусика таълимининг мақсади ҳам, ўнинг мазмуни ҳам дарс жараёнида (программа, репертуар) методикаси ҳам энг муҳим нарса ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини шакллантиришни таъминлашга қаратилган, а бу эса мусика ўқитувчиси болаларга мусикани ўргатиш жараёнида мусика асарини қабул қилишни бошқара олиш санъатини ўргатади. Шунинг учун мусикани маданиятли равишда тинглаш ва эшитиш кўникмалари дидактик мазмунга ҳам ақл билан ҳам қалб билан тинглаши керак. Умумтаълим мактаби ўқитувчилари ўқувчиларни айнан ана шу кўникмаларга ўргатади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юсак маънавият — енгилмас куч. —Т.: «Маънавият», 2008, 176-б.
2. Қудратов И. Талабаларни халқ қўшиқлари воситасида эстетик тарбиялаш. Услубий қўлланма. —Тошкент: «Фан», 2009.
3. Файзуллаев Э. Бўлажак мусика ўқитувчиларининг бадиий дидини шакллантиришда ўзбек мусикаси имкониятларидан фойдаланиш. Услубий қўлланма. —Тошкент: Фан ва технологиялар маркази босмахонаси. 2008.
4. Сойпова Д. Мусиқий ва мусиқий назарий билимларни ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш. Услубий қўлланма. — Тошкент: Фан ва технологиялар маркази босмахонаси. 2005.

РЕЗЮМЕ

Мақолада умумтаълим мактабларида қорақалпоқ халқ мусикасини ўргатиш ва миллий кадриятларини такомиллаштириш йўллари ҳақида маълумотлар берилган. Унда мусика фанини ўқитишнинг услуб ва услубияти ҳақида ҳам сўз боради. Ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш мезонлари ва ўқитувчининг педагогик фаолиятини шакллантириш омиллари кўрсатиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье даются сведения об изучении каракалпакской народной музыки и совершенствовании национальных традиций в общеобразовательных школах. В статье рассматриваются также методы и приёмы обучения предмета «Музыка». Приводятся критерии оценки знаний учащихся и способы организации педагогической деятельности преподавателя.

SUMMARY

The article gives information about teaching and developing Karakalpak national music and traditions in the secondary schools. It deals with the approaches and methods of teaching the subject «Music» at the lesson. The author also gives criterias for assessing learners' knowledge, and ways of formation the teacher's professional pedagogical activity.

ОБ ОРГАНИЗАЦИИ РЕЧЕВЫХ УПРАЖНЕНИЙ НА УРОКАХ РОДНОГО ЯЗЫКА В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ

А.Д.Нажимова — ассистент преподаватель

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

Таянч сўзлар: машқлар тизими, нутқий машқлар, рецептив машқлар, репродуктив машқлар, нутқни ривожлантириш, нутқ малакалари, тил ҳодисаси, сўзлик билан ишлаш.

Ключевые слова: система упражнений, речевые упражнения, рецептивные упражнения, репродуктивные упражнения, развитие речи, речевые умения, языковое явление, словарная работа.

Key words: the system of exercises, speech exercises, receptive exercises, reproductive exercises, development of speech, speech habits, language phenomena, work with dictionary.

Проблема организации и проведения специальных речевых упражнений, как в составе упражнений на закрепление новой темы по изучению грамматики и орфографии, так и в отрыве от них, но с определённой подготовкой и с целью повышения качества речи учащихся, является весьма актуальной. Необходимость решения этой проблемы объясняется тем, что в ныне

используемых современных учебниках по родному языку для начальных классов с каракалпакским языком обучения речевые упражнения представлены лишь в системе основных упражнений по закреплению (наблюдение за языковыми фактами, нахождение языковых явлений и объяснение их) в качестве завершающего этапа работы над ними. Как